МУЛОҚОТНИНГ НУТҚИЙ-ИШОРАВИЙ ҲОЛАТИНИНГ РЕПЛИКАЛАРДА БЕРИЛИШИ

М.САИДХОНОВ

В статье рассматриваются проблем передачи рече-жестового поведения персонажей в художественной прозаической речи.

The article considers the problems of transferences of rough speaking behaviors of characters ina prosaic speech.

Бадиий матнда алоқа-аралашувнинг новербал воситалари ифодаси (тасвири) асосан ҳикоя тарзидаги насрий асарларда учрайди. Насрий асар матнида ўзаро алоқадор бўлган, навбатма-навбат келувчи ва бири иккинчисини тўлдирувчи, изоҳловчи икки нутқ: муаллиф нутқи ва персонаж нутқи бўлади. Бу икки нутқ кўриниши матн таркибида бир бутун ҳолатда намоён бўлади ва мана шу хусусият насрий асарларни бошқа бадиий турлардан фарқлайди (масалан, драматик асарлардан).

Бадиий насрий матнда персонажларнинг нутқий-ишоравий ҳолати ҳақидаги маълумотлар икки хил: ифодалаш ва тасвирлаш кўринишида намоён бўлади. Ифодалашда новербал ифода вербаллашган кўринишда намоён бўлади. Тасвирлашда эса ҳам вербал, ҳам новербал ҳолат аналитик тасвирлаш асосида берилади. Бунда новербал восита билан вербал восита ўзаро боғлиқликда ва биргаликда келади. Шунингдек, нутқ жараёни ҳолат, нутқ ва ҳаракат билан умумий тарзда таҳлил этилади. Ифодалаш асосан диалоглардаги репликаларда берилса, тасвирлаш муаллиф ремаркаларида ифодаланади. Бунда мулоқот давридаги хатти-ҳаракат (имо-ишора ва бошқалар) ишора феъллари ёки ишорани тасвирлаш ёрдамида муаллиф изоҳи тарзида берилади. Тасвирлаш муаллиф нутқи билан персонаж нутқи ўртасидаги оралиқ позицияда бўлиб, ҳар иккиси билан алоқада бўлса-да, кўпроқ персонаж нутқи томонга алоқадор ҳисобланади.

Ғайбаров гарданини қашиб, - тан оламан, - деди, - бу савол мен учун жуда аччиқ доридан ҳам баттар. (М.М.Дўст)

Бадиий насрий матнда персонажлар нутқий-ишоравий ҳолатини ифодалаш ва тасвирлаш кўринишлари шуни кўрсатадики, ҳар икки шакл матний жиҳатдан кўп шакл ва хусусиятларнинг бирлиги бўлиб келади ва улар нутқий актнинг ҳам кўриниши, ҳам воситаси бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлади.

Ифодалаш ҳажм жиҳатидан чегараланган бўлиб, муаллиф нутқи матни таркибида бўлади, персонаж нутқини муаллиф нуқтаи назари асосида тўлиқ бўлмаган ва аниқ бўлмаган ҳолда қайта ифодалайди.

Шунга кўра, нутқий ва нутқий бўлмаган алоқа воситаларининг персонаж нутқида ишлатилиши ва унинг ифодалаш ва тасвирлаш кўринишларида берилиши, ишлатилиш механизмлари насрий матндаги персонажлар нутқий ишоравий ҳаракати ҳақидаги актни маълум қилади. Бу ҳолат бадиий матннинг композицион-лисоний қурилишида алоҳида аҳамиятга молик бўлади. В.В.Виноградов: “Бадиий прозанинг композицион-лисоний ва образлар структураси таркибида ҳар бир бадиий образ (шахс, нарса, ҳолат, шароит, деталь…) ўз ўрнига ва вазифасига эга эканини таъкидлаб ўтади. [1.44.]

Персонаж нутқи (диалог, диалогик нутқ) масаласи, диалогик нутқ ва унга ҳамроҳ бўлувчи, кўрсатиб борувчи ишоралар, мимик, пластик ҳаракатлар диалогда характерловчи тадқиқот объекти саналади. Нутқнинг аралаш шакллари деганда, нутқий ва нонутқий воситаларнинг персонаж нутқи ва муаллиф нутқида ассимилятив ҳолда берилиши назарда тутилган.

Тасвирлаш орқали муаллиф қарашлари нафақат вербал, балки новербал воситалар орқали ҳам мақсадли ва аниқ бўлади. Чунки унда зарурий изоҳларни бериш, айрим ҳолатларни алоҳида таъкидлаш имконияти мавжуд бўлади.

Бадиий насрий матнда нутқий-ишоравий ҳолат гапнинг турли структураси кўринишларида учрайди ва маълум лисоний ифода, ўзига хос тил воситалари орқали ифодаланади. Бу ҳолат кўчирма ва ўзлаштирма гап конструкцияларида, диалогик матнда, муаллиф гапида, репликаларда, ремаркаларда, муаллиф гапи ва кўчирма гапнинг аралашма конструкцияларида намоён бўлади.

Бадиий насрий асарлар бўйича тўпланган мисоллар таҳлили мулоқотда нутқий-ишоравий ҳолат ифодаси асарнинг бадиий қийматини оширишини, персонажлар характерига қимматли чизгилар беришини, асар воқеалари тасвирида реаллик ифодалашини, шунингдек, матннинг композицион-лисоний кўринишида семантика, синтактика ва прагматика асосий эканини намоён этиб беради..

Қизнинг рўпарасида залга қўйилган тувакдаги гулнинг баргларини ўйнаб (эътиборни жалб этиш), қизга тикила бошладим (яхши кўрганини билдириш). Қизнинг дайди боқишлари (эътиборсизлик) менга тушган эди (эътибор бермоқ), мен ҳам одамларга шипшитмай туриб (пинҳона равишда),

чап кўзимни ҳазилик билан қисиб қўйдим (эътиборни жалб этиш, ҳазиллашиш). Қиз менга бир хўмрайиб қаради-да (норозилик, аччиқланиш) юзини шартта тескарига бурди (эътибор бермаслик, аччиғи келганлик). Мен бу чоқ унинг ҳолини таъқиб қилар эдим (кузатув)… (Ғ.Ғ.)

Ғафур Ғуломнинг «Йигит» ҳикоясидан келтирилган ушбу матнда коммуникантларнинг нутқий мулоқоти акс этмаган бўлса-да, суҳбатдошлар ўзаро анча «фикр алмашиб» олганларини кузатиш мумкин ва бу нутқий-ишоравий ҳолат муаллиф нутқи орқали амалга оширилганининг, унда мос равишдаги феъллар иштирок этганининг ва бу феъллар ҳаракат феъллари эса-да, муносабат ифодалаганининг гувоҳи бўламиз.

Бадиий асар яхлит матн экан, уни лисоний-композицион жиҳатдан ўрганмасдан туриб асар моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Бу борада бадиий насрий матннинг лисоний таҳлили, айниқса, диалогларни, уларни шакллантирувчи монологик нутқни, мулоқотнинг амалга ошишида ишлатиладиган ишоралар, имолар, таъсирли ҳаракатлар ва персонажларнинг характерини очишда ишлатиладиган ташқи хатти-ҳаракатларни ўрганиш зарурдир. [1.11.]

Нутқий-ишоравий ҳолатнинг вербал ифодаси асосан диалоглардаги репликаларда ифодаланади. Улар персонажлар нутқий-ишоравий ҳолатининг аналитик ифодаси бўлмиш ремаркалар билан бирга қўлланиб келади.

Отаси ва онаси унинг бесарамжонлигини сезишди; уларнинг самимий меҳрибонлиги ва тинимсиз саволлари: Сенга нима бўлди, Матлуба? Касал эмасмисан, Матлуба? – унинг юрагини эзиб юборди (Газетадан).

Бу ўринда бадиий насрий матн структурасига бадиий образни шакллантириш мақсадида киритилган оғзаки нутқ асарнинг лисоний-композицион жиҳатдан бир бутун яхлит ҳолга келишига сабаб бўлади. Бу каби киритма нутқ муаллиф нутқи таркибида бўлиб, гўёки унинг таркибий қисми саналади.

Бадиий насрий матнда муаллиф нутқида персонажнинг айтилмаган нутқи, ўй ва хаёли – **ички нутқи** ҳам кўрсатилади.

*«Наҳотки билиб қолди?» - қўрқинч билан ўйлади Нодир, унинг юзига қон югурганини сезди, лекин Дилдора уни бошқалардан фарқламасдан, ўша заҳоти юз ўгирди (*С.Ражабов).

Ички нутқ коммуникатив акт учун мўлжалланган бўлади. Лекин у ўз ифодасини адресантда намоён этади. Ички нутқ новербал воситалар билан кузатиб борилади ёки ички нутқ ифодасидан сўнг эмоционал, ишоравий, мимик воситалар намоён бўлади.

Извошчилар, дўкондорлар, раҳбарлар тўхтаб, қизиқиш билан асира қизга қарадилар; баъзилар бошларини тебратиб ўйладилар: «Мана нималарга олиб боради аҳмоқона одат» (М.Исмоилий).

Ушбу матнда асира қизга қараганларнинг бош тебратишлари ачиниш, афсусланиш, хулоса қилиш маъносини билдириб келади ва ички нутқ ишоравий характерни ифода этади.

Матн таркибида персонажнинг ички нутқи қўлланганда, нутқий-ишоравий ҳолатнинг шакли ва унинг лисоний ифодаси муаллиф нутқи таркибида параллел ҳолда намоён бўлади.

Йўқ! Йўқ! Мана кўрасан, мени ҳайдаб чиқарган бу уй унинг ўзига ҳам насиб этмайди. Вали полвон тишларини ғижирлатди, ўзининг калласида қўрқинчли режалар пайдо бўлди (С.Сиёев).

Ички нутқ кенг маънода ишораларга яқин бўлади. Чунки ички нутқ ифодаси кишининг ички ҳолатини – ҳиссиётини билдиради, унинг изи кишининг имо-ишораларида, ҳаракатларида намоён бўлади. Зеро, имо-ишоралар вербал воситани тўла компенсация қилганда ҳам вербал воситанинг изи – артикуляцияси сезилади. [2.8]

Кўп ҳолларда ички нутқ имо-ишоранинг «таржимаси» сифатида бериладики, у маъно ифодаловчи ҳиссий ҳолатни билдириб келади.

Алишерга ғолибона тарзда дадил ва марғуб тикилиб турарди: «Уйимни қанча истасанг ҳам ҳеч нарса топа олмайсан» (Газетадан).

Бизга маълумки, ташқи нутқни ҳам новербал воситалар кузатиб бориши мумкин ва унда мулоқотнинг ички кўриниши синхрон тарзда коммуникатив актда бири иккинчисини тўлдириши, таъкидлаши, ифодалаши, маънони кучайтириши мумкин. Лекин айрим ҳолларда ташқи ва ички нутқнинг бирин-кетин келиши ва мазмунан бири иккинчисини инкор этиши, шунингдек, ўзаро қарама-қарши фикр ифодалаш ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолларда матнда ташқи нутқ билан новербал воситанинг номутаносиблиги, персонажнинг тили ва дилининг қарама-қаршилиги ифода этилади.

- Мен ҳам жанг майдонига борармикинман? – деди Нодиршоҳ бир дақиқалик сукутдан сўнг ва «душманлар тузоқ қўйиб кутиб туришибди-ку, шармандаларча ўлдиришади», - деб ўйлади ва қилич ушлаган қўллари қалтириб отнинг тизгинини бўшатди (М.Осим).

Шундай ҳолат ҳам кузатилиши мумкинки, ташқи нутқ ва унга мос равишдаги ҳаракатга ички ҳиссиёт, руҳий ҳолат ва ички нутқ мос тушмайди.

«Ҳеч нарса бўлмайди, Сизларни ишонтириб айтаман», - деди матрос ва фуражкасини бошига кийиб, катта-катта қадам ташлаб: «Ҳозир портлаб кетса, чўкиб кетамиз», - ўйлади. Ўзларини дадил тутишга ҳаракат қилаётган икки йигитнинг ҳам қўллари қалтириб, ранги докадай оппоқ бўлиб кетган эди (Ў.Ҳакимали).

Персонажларнинг ички нутқининг ишоравий

ифодаси натижасида ички нутқ ишора-диалог ҳосил қилади. «Нигоҳлар диалоги», «Кўзлар билан сўзламоқ» каби нонутқий мулоқот юзага чиқади.

Шабнам йигитга тикилганча, Оллоҳга илтижо қилиб ичида такрорлади: «Сизни ким бу аҳволга солди. Энди нима бўлади?»

«Барибир сени севаман, сенсиз ҳаёт мен учун ўлим билан тенг», - хаёлидан ўтказди йигит қонга беланган бошини кўтариб, қиз томон интилганча.

Ички нутқнинг новербал восита асосида «вербаллашуви» ва мулоқотнинг амалга ошишида қўлланадиган характеризаторлар (кулги, йиғи, сесканиш…) алоқа-аралашувда фаол ишлатилувчи барча учун тушунарли бўлган эмоционал, символик, кўрсатувчи, тасвирловчи ишоралар сифатида намоён бўлади.

Гулбадан онаси Моҳим бегимга савол назари билан қаради. Моҳим «Ҳа, айт!» дегандай бош ирғади (П.Қ.)

Ушбу коммуникатив актда мулоқотнинг шаклланишида адресант ва адресатнинг кўз ва бош ҳаракатлари алоқа-аралашувни юзага чиқармоқда ва ҳар иккала коммуникант суҳбатдан қониқиш ҳосил қилганининг гувоҳи бўламиз.

Бадиий насрий матнда персонажларнинг нутқий-ишоравий ҳолатининг ифодаси **иллюстратив-умумлашган** кўринишда берилиши кузатилади. Бунда муаллиф нутқи билан персонаж нутқи муаллиф нутқи учун исботловчи, изоҳловчи вазифа бажаради. Бошқача айтганда, персонаж нутқи иллюстратив-аниқловчилик вазифасини бажариб, шу персонаж учун ўзига хос бўлган ҳолатни ифода этади.

Шерзод Ҳилолани кўргандаёқ қизариб, ўзини қаерга қўйишини билмасдан қолар, гапирганда дудуқланиб фикрини тўла етказиб бера олмас эди. Ҳозир ҳам «Яхшимисизлар, эртага қаерда… қаерга борасизлар» - деди. Унинг овози баланд-паст бўлиб чиқар, ўзига бўйсунмас, қўли билан кўйлаги тугмасини тинмай ўйнар эди (А.Мухтор).

Нутқий-ишоравий ҳолат **нутқ ичида нутқ** кўринишидаги бадиий насрий матнда ҳам келиши мумкин. Бу каби конструкциялар, асосан, ҳикоя қилиш, сўзлаб бериш шаклидаги матнларда учрайди ва ишоравий ҳолат персонаж нутқи таркибидаги муаллиф нутқида келади.

Биз уйгача етиб келдик. Зумраднинг ранги оқариб ерга ўтириб олди ва «мен кирмайман, унинг кўзига ҳам қарамайман», - деб ҳўнграб йиғлаб юборди. Мен эса " уни бир марта кечир. Ахир ўз опанг-ку!" дедим ялиниш оҳангида уни ўрнидан турғазар эканман ("Холис" газетасидан).

Бадиий прозаик матндаги нутқий-ишоравий ҳолатни ифода этувчи репликалар ҳажми жиҳатидан турлича бўлиб, бир сўздан иборат бўлиши ёки бир неча саҳифани ўз ичига олиши мумкин. Катта ҳажмдаги репликалар монолог сифатида берилади. Репликаларнинг ҳажмига қараб уларнинг матн структурасидаги ўрни белгиланади, яъни нутқий-ишоравий ахборотни ифодаловчи ремаркаларнинг матндаги жойлашиши аниқланади. Агар реплика ҳажми катта бўлса, муаллиф ремаркаси ўртасида жойлашади. Репликанинг жойлашуви ремарканинг ҳажмига ҳам боғлиқ: муаллиф ремаркаси катта ҳажмда бўлган ҳолда кам ҳолларда пропозиция, яъни интерпозицияда ишлатилади, улар асосан постпозицияни эгаллайди. Репликанинг ҳам, ремарканинг ҳам катта ҳажмда келиши услубнинг талабига кўра нормал ҳол саналади ва жуда кенг қўлланади.

Демак, матн таркибидаги нутқий-ишоравий ҳолатни ифода этувчи репликаларнинг ва муаллиф ремаркаларининг ҳажми уларнинг жойлашув ўринларини белгилашда асосий омиллардан саналади.

Персонажларнинг нутқий-ишоравий ҳолатини тавсифлаш усули муаллиф ремаркаларида, ўзлаштирма гапларда, персонаж ифодаларида берилади. Персонажлар нутқий-ишоравий ҳолатининг тасвир (аналитик) асосида берилиши деганда, матнда мулоқотнинг имо-ишоравий шаклининг кўриниши эмас, балки ҳосил қилинган ифодаси, муаллиф ремаркасидаги тасвири асос қилиб олинади.

Тасвир персонажнинг нутқий-ишоравий ҳолати ҳақидаги ахборотни бадиий насрий матнда берилиш усули бўлиб, матннинг композицион-лисоний ва бадиий структурасини белгилаб беради. Тасвир асосида бадиий насрий асардаги персонажларнинг нутқий-ишоравий ҳолати тўла равишда вербал ва новербал шаклда ўз ифодасини топади. У персонажнинг нутқий ва нонутқий алоқа усулларини ўзаро алоқадорликда муаллиф баҳоси асосида мақсадли равишда ифода этади.

Тасвир муаллиф нутқи билан персонаж нутқи ўртасидаги бир вақтнинг ўзида икки томонлама алоқани кўрсатиб беради. Бу икки томонлама алоқа тасвирнинг турли хил шаклларда бўлишини тақозо этади. Шунингдек, унинг семантикасини, структурасини ва вазифаларини белгилаб беради.

Тасвир, гарчи муаллиф нутқи билан персонаж нутқининг ўртасида турса-да ва нутқий-ишоравий материал репликалар орқали ифодаланса-да, улар персонаж нутқига қарашли бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Виноградов В.В. О художественной прозе. М. – Л., Госиздат. 1930.

2. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. Андижон. 1987.

Андижон давлат университети
2011 йил 22 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)